

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

ЎЗБЕКИСТОНДА ПЕНТСИЯ ТИЗИМИНИ ИСЛОҲ ҚИЛИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Шомансурова Зилола Абдувахитовна,


Тошкент Давлат иқтисодиёт университети доценти., и.ф.н.

Турсунов Зоҳидхўжа Орифович,

Тошкент Давлат иқтисодиёт университети магистранти

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг молиявий кўрсаткичлари шуни кўрсатадики, сўнги 3 йил давомида унинг даромадлари 1,681 ва харажатлари 1,41 баробарга мос равишда ортган. 2020 йилда Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг даромадлари 20,6 трлн. сўмни, харажатлари эса 31,9 трлн. сўмни, ташкил қилди.

2022 йилдаги ҳақиқий харажатлари Жамғарма ҳисобидан 44 927,7 млрд. сўм ва Республика бюджети ҳисобидан 6 275,0 млрд. сўмни ташкил этди. Тўловларни ўз вақтида амалга ошириш мақсадида давлат бюджетидан 11 092,0 млрд.сўм трансфертлар ажратилди.



1-расм. Давлат бюджетидан ажратилаётган трансферт маблағлари миқдори, трлн.сўм¹

¹ <https://imv.uz/en>

Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May, 2023


ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Ўзбекистон Республикасида 2023 йил 1 январ ҳолатига жами Пенсия жамғармаси томонидан пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 4 346,3 минг нафарга етиб, аҳоли сонидаги улуши 12,1 %ни ташкил қилди. Ушбу кўрсаткич 2017 йил 1 январ ҳолатига нисбатан 1 205,1 минг нафарга ёки 138,4%га ўсган.

Жами 3 765,7 минг нафар пенсия олувчилардан 3 124,0 минг нафари (83,0%) ёшга доир, 419,8 минг нафари (11,1%) ногиронлик ва 221,9 минг нафари (5,9%) боқувчисини йўқотганлик пенсия олувчилар ташкил этади.

2022 йилнинг декабр ойида пенсияларнинг ўртача миқдори 1 036,2 минг сўмни ташкил қилиб, йил бошига ойига нисбатан 113,3 минг сўмга ёки 1,12 баробарга кўпайган. Нафақаларнинг бир ойлик ўртача миқдори 651,7 минг сўмни ташкил этиб, йил бошига нисбатан 75,0 минг сўмга ёки 1,13 баробарга кўпайди.



2-расм. 2017-2023 йилларнинг 1 январ ҳолатига жами пенсия ва нафақа олувчилар сони ва жами аҳолига нисбати¹

Жами 4 346,3 минг нафар пенсия ва нафақа олувчилардан 3 765,7 минг нафари пенсия ва 580,6 минг нафари нафақа олувчиларни ташкил этади. 2022 йилда 459,1 минг нафар фуқарога пенсия ва нафақалар тайинланган бўлиб (шундан, 299,7 минг нафарига пенсия ва 159,4 минг нафарига нафақа), ушбу кўрсаткич 2017 йилга нисбатан 161,1 минг нафар фуқарога ёки 154,0% кўпайган.

¹ <https://imv.uz/en>


Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com



3-расм. 2017-2023 йилларда янги тайинланган пенсия ва нафақа олувчилар сони¹

Пенсия тизимларини ислоҳ этиш зарурияти аҳолининг қариб бориши жараёнининг жадаллашуви билан бевосита боғлиқ. Айрим ҳисоб-китобларга кўра жаҳонда 2050 йилга бориб пенсионерлар сони ўсмирлар сонига нисбатан ошиб кетиши кутилмоқда. Ушбу ҳолат “Авлодлар бирдамлиги” тизимининг самарасизлиги ва пенсия тизимларини молиялаштиришнинг янги тамойилларини жорий этиш зарурлигини келтириб чиқарди. Бундан ташқари самарали пенсия ислоҳотлари ривожланаётган мамлакатлардаги макроиқтисодий ҳолатни тубдан яхшилаш имконини яратиши мумкин.

Пенсия тизимларини ислоҳ этишдан мақсад пенсионерларнинг минимал турмуш даражасини таъминлаб бера оладиган минимал пенсияни жорий этиш, меҳнат фаолияти давомида тўланган бадаллар ва пенсия миқдори ўртасида бевосита боғлиқликни таъминлаш, пенсия тўловларини молиялаштириш манбаларини табақалаштиришдан иборат.

Пенсия ислоҳотлари асосида қайта тақсимладиган пенсия тизимидан жамғариладиган пенсия тизимига ўтилади. Қайта тақсимот жараёнларининг бекор қилиниши аҳоли қариши жараёнининг пенсия тизими молиявий барқарорлигига салбий таъсирини юмшатишга олиб келади. Пенсияга чиқувчилар томонидан жамғарилган капиталга эҳтиёжнинг йўқлиги сабабли уларни жамғариш, инвестициялашга йўналтириш имконияти пайдо бўлади. Бу эса макроиқтисодий ҳолатнинг яхшиланиши, иқтисодий ўсишга олиб келади.

¹ <https://imv.uz/en>



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

Пенсия тизимининг ривожланишида ижтимоий ҳимоя тамойилларидан ижтимоий суғурта тамойилларига ўтиш рўй беради².

Пенсия тизими молиявий барқарорлиги ва мувозанати асосий омиллари бўлиб мамлакатдаги демографик ва иқтисодий ҳолат, ижтимоий ва меҳнат муносабатлари ҳамда пенсия формуласи ва суғуртасининг молиявий бошқарув усулари ва механизмлари ҳисобланади.

Ушбе омиллар доимий равишда ўзгариб туради, бу эса пенсия тизимининг бюджетининг молиявий балансига сезиларли даражада таъсир кўрсатади. Иқтисодиётнинг ўсиш суръатларининг пасайиши пенсия жамғармаси рентабилигини пасайишига, пенсионерларнинг сонининг ортиши эса суғурта юқини кўпайишига, ишсизларнинг улуши ва ишсизликнинг сояли шакллари ошиши суғурта мукофатлари ҳажмининг пасайиб боришига олиб келиши мумкин.

Ушбу омилларни қуйидаги гуруҳ кўрсаткичларига бўлиб ўрганишимиз мумкин:

- пенсионерларнинг умумий сони, ёшга қараб пенсионерларнинг таркибий структураси, пенсия олиш давомийлиги;
- суғурталанган ишчиларнинг умумий сони, уларнинг ёши бўйича тузулиши ва суғурталанган иш ҳақининг миқдори;
- аҳоли сони, пенсия тизимида суғурта билан қопланган аҳоли, умумий аҳоли таркибидаги иқтисодий фаол аҳоли улуши, шунингдек пенсия суғуртаси билан қамраб олинмаган меҳнатга лаёқатли аҳоли улуши;
- солидар пенсия таъминоти учун мажбуриятларнинг мутлоқ қиймати (ногиронлик, боқувчисини йўқотганлик, ижтимоий нафақалар) ва уларнинг пенсия мажбуриятларидаги умумий миқдорлари ва улуши;
- муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган айрим тойифадаги шахсларнинг қонунчиликда белгиланган имтиёзлари бўйича мажбуриятларнинг мутлоқ қиймати, пенсия миқдорининг оширилиши ёки индексатсияланишини ҳамда уларнинг пенсия мажбуриятларининг умумий миқдоридаги улуши;

² Umurzakov B.X. Demografik holat, mehnat va pensiya miqdorlariga oid tendentsiyalar. “Pensiya ta’minoti tizimini isloh etish kontseptsiyasi: xalqaro tajriba va tendentsiyalar, O‘zbekistonda pensiya ta’minoti tizimini rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. 2018-yil 23 okiyabr. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2018. – B. 11-13.



Proceedings of International Educators Conference

Hosted online from Rome, Italy.

Date: 25th May, 2023

ISSN: 2835-396X

Website: econferenceseries.com

- амалдаги пенсия суғурта формуласи ва модели бўйича мажбурий суғурта стажининг минимал миқдори;
- суғурталанган ишчиларнинг ўртача ойлик иш ҳақининг қиймати ва ишчи ходимларнинг 10 ёки 20 % ажратиш даражаси;
- мамлакат иқтисодий ҳолати, шу жумладан суғурта тўловларининг Ялпи ички маҳсулотлаги улуши;
- пенсияга чиқувчиларнинг таркиблари бўйича қонуний ва ҳақиқий пенсияга чиқиш ёши (эркак ва аёллар, давлат хизматчилари ва муддатидан олдин пенсияга чиқиш ҳуқуқига эга бўлган шахслар).

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. <https://imv.uz/en> - Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт ва молия вазирлиги расмий ахборот сайти
2. Umurzakov B.X. Demografik holat, mehnat va pensiya miqdorlariga oid tendentsiyalar. “Pensiya ta’minoti tizimini isloh etish kontseptsiyasi: xalqaro tajriba va tendentsiyalar, O‘zbekistonda pensiya ta’minoti tizimini rivojlantirish istiqbollari” mavzusidagi respublika ilmiy-amaliy anjuman materiallari to‘plami. 2018-yil 23 okiyabr. – T.: “Iqtisod-moliya”, 2018. – B. 11-13.

